

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХУСУСИЙЛАШТИРИШ,
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

307 Якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очик аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2314-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2015 йил 22 майдаги 135-сон «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини амалга оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 9 декабрдаги 01/09-18/13-сон қарори (рўйхат рақами 2314, 2012 йил 13 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 2-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очик аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Д. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 8 июнь
01/13-26/13-сон

Ўзбекистон Республикасининг
Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш
ва рақобатни ривожлантириш давлат
қўмитасининг 2015 йил 8 июндаги
01/13-26/13-сон қарорига
ИЛОВА

**Якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш)
учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод
эгаллик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очиқ
аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг олтинчи хатбошисидаги «худудий бошқарманинг ҳисоб рақамига» деган сўзлар «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 40-банддаги «худудий бошқарманинг иккиламчи махсус ҳисоб рақамига» деган сўзлар «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 46-банддаги «худудий бошқарманинг» деган сўзлар «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 47-банддаги «худудий бошқарманинг тегишли ҳисоб рақамига» деган сўзлар «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 50-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«50. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқни реализация қилишдан тушадиган маблағлар тақсимоли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 майдаги 135-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.»